

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 05/29.04.2022. QX.13.04-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАХМАТОВ АНВАР МАМАТОВИЧ

***BRASSICA RAPA L.* ТУРИГА МАНСУЪ САЛАТБОП ВА БАРГ ШОЛҒОМ
ИНТРОДУКЦИЯСИ, ЕТИШТИРИШ ВА УРУҒЧИЛИК
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик
06.01.05-Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of abstract of doctoral dissertation (DSc)

Рахматов Анвар Маматович

Brassica rapa L. турига мансуб салатбоп ва барг шолғом
интродукцияси, етиштириш ва уруғчилик технологиясининг илмий
асослари..... 3

Рахматов Анвар Маматович

Научные основы интродукции, технологии возделывания и
семеноводства салатной и листовой репы (*Brassica rapa L.*)..... 27

Rakhmatov Anvar Mamatovich

Scientific basis of introduction, technology of cultivation and seed
production of lettuce and leaf turnip (*Brassica rapa L.*) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publication works..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 05/29.04.2022. QX.13.04-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАХМАТОВ АНВАР МАМАТОВИЧ

***BRASSICA RAPA L.* ТУРИГА МАНСУБ САЛАТБОП ВА БАҲГ ШОЛҒОМ
ИНТРОДУКЦИЯСИ, ЕТИШТИРИШ ВА УРУҒЧИЛИК
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик
06.01.05-Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.DSc/Qx229 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Арамов Музаффар Хошимович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Бўриев Хасан Чўтбоевич**
биология фанлари доктори, профессор

Остонақулов Тоштемир Эшимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Эргашев Иброҳим Тошкентович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот: **Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc 05/29.04.2022.Qx.13.04 - рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «23» май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: 260-38-60, e-mail: tuag_info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (548555-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй, Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2023 йил «10» май куни тарқатилди.
(2023 йил «12» апрелдаги 19 рақамли реестр баённомаси).

Э.Т.Бердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

М.З.Холмуратов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.х.ф.ф.д.,
доцент

С.А.Юнусов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Шолғом жуда қадимги ва қимматли сабзаёт экинларидан бири ҳисобланади. Дунё бўйича бугунги кунда шолғом 1 578 180 гектар майдонга экилиб 42 950 495 тонна атрофида маҳсулот етиштирилмоқда, ўртача ҳосилдорлик 29,5 т/га ни ташкил этган. АҚШ, Япония, Хитой, Ирландия, Исроил, Россия, Швеция, Англия, Белгия ва бошқа Европа давлатлари сабзаётчилигида шолғом асосий экинлардан бири ҳисобланади¹. Соғлом овқатланишни ташкил этиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш долзарб ҳисобланаётган бир пайтда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган салатбоп ва барг шолғомни республикамизга интродукция қилиш ва уларни етиштириш технологиясини такомиллаш-тириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда АҚШ, Россия Федерацияси, Европанинг қатор мамлакатларида салатбоп ва барг шолғом каби ноанъанавий сабзаёт экинларини интродукция қилиш, сабзаётларни хилма-хиллигини ва турларини кўпайтириш ҳамда иқлим шароитига мос навларини яратиш устида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу мамлакатларда салатбоп ва барг шолғом интродукция қилинган ва уларнинг янги, маҳаллий шароитга мос навлари яратилиб, етиштириш технологиялари ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда аҳоли озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, сабзаёт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва сабзаёт маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида охириги йилларда халқимиз учун ноанъанавий янги сабзаёт экинларини интродукция қилишга эришилди. Бироқ, янги интродукция қилинган салатбоп ва барг шолғом каби ноанъанавий сабзаёт экинларининг янги навларини яратиш ҳамда етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегиясидан–Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегиясининг 3-йўналишида «...қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон шароитида сабзаётлар ассортиментини кўпайтириш, салатбоп ва барг шолғом каби ноанъанавий сабзаёт экинларини истиқболли навларини интродукция қилиш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, шунингдек мамлакатимизнинг ўзида уларнинг уруғчилигини ташкил қилиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги

¹FAO, 2021. Food and Agriculture Organization of United Nations (<http://fao.ru>)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони

ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»³ ги ва 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мевасабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁴ ги қарори, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги⁵ Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши- нинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Дунё аҳолисини асосий озиқ-овқат экинларидан бири бўлган салатбоп ва барг шолғомга бўлган талабини қондириш, ушбу экинларни серҳосил касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларини яратиш билан биргаликда ҳосилдорлик ва сифатини оширишга қаратилган ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида жумладан, National Institute of Food and Agriculture (NIFA, АҚШ), Ministry of Agriculture, Forestry and Fisheries of Japan-Tokyo (Япония), National Institute of Agrobiological Resources (Япония), ФГБНУ Федеральный научный центр овощеводства (ФГБНУ ФНЦО, Россия). Қозоғистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), Ҳалқаро сабзавотчилик маркази (АЦИРО), Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Япон шолғоми ёки салатбоп шолғом - *Brassica rapa L. subsp. japonica Sheb.* (синоним *B. rapa asiatica subsp. japonica Sinsk.*) карамгуллилар (*Brassicaceae Burnett*) оиласига мансуб экиндир. Бу кенжа тур Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида жуда эртапишар сабзавот (Ғарбий Европада редис, латук, витлуф, эндивий, эскарриол сингари) сифатида фойдаланилади ва катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Айниқса у ўзининг ватани Японияда асосий сабзавот экини ҳисобланади ва уни етиштириш ҳукумат томонидан назорат қилинади. Японияда ушбу экин ҳар йили 7 минг га майдонда экилади ва бу умумий илдизмевали сабзавот экинлари майдонининг 5%, ялпи ҳосил 200-210 минг тоннани, ҳосилдорлик эса 30 т/га ни ташкил этади.

Дунёда салатбоп ва барг шолғомда асосий куйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: ҳар бир тупроқ-иклим шароити учун

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мевасабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, қарори

⁵ 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари

мос навларни яратиш, экологик тоза ва юқори ҳосил олишни таъминловчи ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда уруғчилигини ташкил этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда салатбоп шолғомнинг нав намуналарини ўрганиш ва истиқболли навларни ажратиш, уларни интродукция қилиш бўйича тадқиқот ишлари Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий тажриба станциясида М.Х.Арамов ва Б.Т.Турдикуловлар (2003) томонидан олиб борилган. Тадқиқотлар натижасида салатбоп шолғомнинг Муяссар нави яратилган ва 2004 йилдан Давлат реестрига киритилган. Ушбу институтда салатбоп ва барг шолғомнинг янги навларини яратиш, етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва уруғчилигини йўлга қуйиш борасида илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг № ҚХА-9-036-2015 «Томатдош ва илдизмевали сабзавотларнинг янги районлашган ва истиқболли навларидан қурғоқчиликка, иссиқликка чидамлиларини танлаш ҳамда турли экиш усуллари орқали ресурстежамкор технологиялар методологияси» (2015-2017 й.й.) мавзусидаги ҳамда № ФЗ-2020072710 “Ноанъанавий ва экспортбоп сабзавот экинлари интродукцияси, селекцияси ва бирламчи уруғчилигини ташкил этиш” (2021-2022 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. *Brassica rapa L.* турига мансуб экинлар салатбоп ва барг шолғом нав намуналарининг тўпламини морфологик, қимматли хўжалик белгиларига кўра баҳолаш ва янги истиқболли навларини танлаш, энг истиқболли навларни интродукция қилиш, турли мавсумларда уларни мақбул экиш муддатларини ва мақбул озикланиш майдонини, минерал ўғитларни мақбул меъёрини аниқлаш, суғориш усулларини такомиллаштириш ҳамда уруғчилик технологиясининг асосий элементларини ишлаб чиқиш тадқиқотларнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

салатбоп ва барг шолғомнинг нав намуналари қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш ва истиқболли навларини танлаш;

ажратилган навларнинг танлов синовини ташкил этиш ва энг истиқболлиларини Давлат нав синовига топшириш;

юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ушбу экинларни экишнинг мақбул муддатларини аниқлаш;

салатбоп ва барг шолғомнинг мақбул экиш схемасини аниқлаш;

салатбоп ва барг шолғом етиштиришда минерал ўғитларни мақбул меъёрини аниқлаш ҳамда суғориш усулларини такомиллаштириш;

салатбоп ва барг шолғом уруғчилик технологияси элементларини ишлаб чиқиш;

яратилган навлар ва ишлаб чиқилган етиштириш технологияси

элементларинининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

ушбу экинлар илдизмевасининг, баргининг биокимёвий таркибини ўрганиш;

тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб салатбоп ва барг шолғомнинг нав намуналари тўплами, салатбоп шолғомнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган Муяссар (2004), барг шолғомнинг Дармон (2018), салатбоп шолғомнинг Гулшод (2018) ва оддий шолғомнинг Наманганская местная (1949) навлари ўсимликлари, уруғлари, илдизмевалари, барглари хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети салатбоп ва барг шолғомнинг нав намуналарини морфобиологик хусусиятлари, салатбоп ва барг шолғомнинг истиқболли навларининг танлов синови, баҳорги мавсумда вақтинчалик плёнка остида 6 та, очик майдонларда 6 та, ёзда эса 4 та уруғ сепиш муддатлари, салатбоп шолғомнинг 5 та , барг шолғомнинг 4 та экиш схемалари, салатбоп ва барг шолғомни минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг 4 та меъёри, 4 та суғориш меъёрлари, салатбоп ва барг шолғом уруғчилигини ташкил этиш бўйича уруғларни 4 та экиш муддатлари ва уруғлик ўсимликларни 5 та экиш схемалари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида «Методические указания по экологическому испытанию овощных культур в открытом грунте» (М., ВНИИССОК), «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции корнеплодов (свекла, репа, турнепс, брюква)», «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозхозяйствен-ных культур», «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве», ОСТ 4671-78, «Методика полевого опыта в овощеводстве» (2012) каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди, маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида дисперсион услуб (Б.А.Доспехов) асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор салатбоп ва барг шолғомнинг 30 дан ортиқ нав намуналари тўпламини қимматли хўжалик белгилари таҳлил қилиниб, иқлим шароитига мос истиқболли салатбоп шолғомнинг Л-56К ҳамда барг шолғомнинг Л-356РСР нав намуналари бошланғич манба сифатида ажратилган;

тезпишар, серҳосил, иқлим шароитига мос салатбоп шолғомнинг Гулшод ва барг шолғомнинг Дармон навлари яратилиб 2018 йили Давлат реестрига киритилган;

салатбоп ва барг шолғомни вақтинчалик плёнка остига ва очик майдонга экишнинг энг мақбул муддатлари, баҳорги мавсумларда 10-20 феврал, ёзги мавсумда эса 1-10 август эканлиги аниқланган;

салатбоп шолғомни икки қатор лентасимон (50+20)х10 см ва уч қатор лентасимон (40+15+15)х12 см ҳамда барг шолғомни уч қатор лентасимон (40+15+15)х12 см ва тўрт қатор лентасимон (40+10+10+10)х15 см экиш схемалари аниқланган;

салатбоп ва барг шолғомни етиштиришда мақбул ўғитлаш меъёри, яъни N₁₂₅P_{93,7}K_{62,5} кг/га эканлиги аниқланган;

салатбоп ва барг шолғомнинг етиштиришда мақбул суғориш тартиботи намлик ЧНДСга нисбатан 70-80% ва 80-90% ҳамда 20,4-49,8 фоизга сув сарфи тежалганлиги аниқланган;

салатбоп ва барг шолғом ўсимликларининг хўжалик муҳим белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган;

уруғлик учун салатбоп шолғомнинг Муяссар ва Гулшод навлари ҳамда барг шолғомнинг Дармон навини энг мақбул экиш муддати 30-август ва 10-сентябр эканлиги аниқланган;

уруғлик учун энг мақбул экиш схемаси 70x30 см ва 70x35 см эканлигини исботланган;

ўрганилган ҳар бир тажрибада иқтисодий самарадорлик, рентабеллик даражаси ва соф фойда аниқлаб берилган;

ушбу экинлар илдизмеваси ва баргининг биокимёвий таркибига агротехник тадбирларга боғлиқлик даражаси илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

салатбоп ва барг шолғомнинг нав намуналари тўплами ҳар томонлама ўрганилиб, республикамиз иқлим шароитига мос истиқболли навлари интродукция қилинган;

салатбоп ва барг шолғомни эрта баҳорда вақтинчалик плёнка остида ва очиқ далаларда ҳамда ёзда такрорий экин сифатида етиштиришнинг мақбул муддатлари аниқланган;

салатбоп шолғомнинг Гулшод ва барг шолғомнинг Дармон навлари Давлат нав синаш комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, 2018 йилда ҳар иккала нав ҳам Давлат реестрига киритилган.

салатбоп ва барг шолғомни мақбул экиш схемаси аниқланган;

салатбоп ва барг шолғомни етиштиришда минерал ўғитларнинг мақбул меъёри аниқланган;

салатбоп ва барг шолғомни етиштиришда суғориш тартиботи ишлаб чиқилган;

салатбоп шолғомнинг Муяссар ва Гулшод ҳамда барг шолғомнинг Дармон навлари уруғчилик технологияси элементлари ишлаб чиқилган;

салатбоп ва барг шолғом етиштириш технологиялари бўйича тавсияномалар ҳамда монографиялар тайёрланиб ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (ҚХБИММ) вакилининг раислигида СПЭ ва КИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинганлиги, тажрибалар натижасида салатбоп шолғомнинг Гулшод ва барг шолғомнинг Дармон навлари яратилиб давлат нав синаш марказига топширилганлиги, тажриба натижаларини халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти салатбоп ва барг шолғомнинг нав намуналари тўплами ҳар томонлама ўрганилиб республикамиз иқлим шароитига мос истиқболли навлари танланганлиги ва уларни турли экиш муддатлари, экиш схемаларида ўсиб ривожланиши ўрганилганлиги ва шундан келиб чиқиб мақбул экиш муддатлари ва озикланиш майдонлари тавсия этилганлиги, минерал ўғитлар ва суғориш меъёрлари ҳамда уруғчилиги бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, шу билан биргаликда ҳар бир тажрибаларда ушбу экиннинг муҳим белгилари ўртасида корреляцион боғлиқликларнинг аниқланганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти салатбоп шолғомнинг Гулшод ва барг шолғомнинг Дармон навлари яратилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига 2018 йилда киритилганлиги, уларни етиштириш технологияси, яъни баҳорги, ёзги мақбул экиш муддатлари, мақбул экиш схемаси, минерал ўғитларни беришнинг мақбул меъёри ва суғориш тартиботи ҳамда уруғчилик технологияси элементлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Brassica para L. турига мансуб салатбоп ва барг шолғом интродукцияси, етиштириш ва уруғчилик технологиясининг илмий асослари мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

Салатбоп шолғомнинг Гулшод ҳамда илк бор барг шолғомнинг Дармон навлари яратилиб, 2016 йилда Давлат нав синаш комиссиясига топширилган ва синовдан ҳар иккала нав ҳам муваффақиятли ўтиб 2018 йил Давлат реестрига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 13.12.2022 й. 07/23-9348-сонли маълумотномалари). Ушбу янги навлар Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент ва Сурхондарё илмий-тажриба станцияларида жами 5 гектар майдонга экилиб, унинг уруғчилиги йўлга қўйилган. Бугунги кунда ҳар иккала нав ҳам республикани барча вилоятларида етиштирилмоқда.

Салатбоп ва барг шолғом устида олиб борилган тажрибаларда яхши натижаларга эришилган вариантлар ва ишлаб чиқилган технологиялар Республикамининг Андижон ва Наманган вилоятларидаги фермер хўжаликларида жами 73 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 13.12.2022 й. 07/23-9348-сонли маълумотномалари). Натижада Барг шолғомни Дармон навида ҳосилдорлик 18-21 т/га, салатбоп шолғомни Гулшод навида - 31-35 т/га оралиғида бўлган, қўшимча ҳосилдорлик 2,2-4,0 т/га ни ташкил этган ва 23-35 % рентабелликка эришилган.

Салатбоп ва барг шолғом устида олиб борилган тажрибаларда яхши натижаларга эришилган вариантлар ва ишлаб чиқилган технологиялар Республикамининг Қашқадарё, Тошкент ва Жиззах вилоятидаги фермер хўжаликларида жами 101,3 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 13.12.2022 й. 07/23-9348-сонли маълумотномалари). Натижада Барг шолғомни Дармон навида ҳосилдорлик 19,1-20,6 т/га, салатбоп шолғомни Гулшод навида – 33,8-36,5 т/га оралиғида

бўлган, қўшимча ҳосилдорлик 1,7-1,8 т/га ни ташкил этган ва 31-33 % рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХБИММ ва Инновацион ривожланиш вазирлиги вакилларининг раислигида СПЭ ва КИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий натижалари «Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликни ривожлантиришда илм-фаннинг ҳиссаси» (Тошкент, 2013), «Ўзбекистонда сабзавот, полизчилик ва картошқачилик соҳаларида илм-фаннинг ўрни ва истиқболлари» (Тошкент, 2016), АЦИРО-ЦАЗ нинг «Оценка перспективных сортов овощных культур» (Тошкент, 2011), «Ўзбекистон жанубий ҳудудларида бошоқли донли экинлар селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиясининг ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари» Халқаро илмий-амалий конференция (Қарши, 2018), «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик ҳолати, муоммолари ва истиқболлари» Халқаро илмий-амалий конференция (Тошкент, 2018), «Республикада сабзавот, полиз экинлари ва картошқа етиштириш истиқболлари, муаммолари ва ечимлари» Илмий-амалий конференция (Тошкент, 2019), «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик ҳолати, муоммолари ва истиқболлари» Халқаро илмий-амалий конференция (Тошкент, 2022) каби анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 1 та монография, 5 таси хорижий, 6 таси республика журналларида чоп этилган. Шунингдек 2 нав муаллифлик гувоҳномаси, 1 та тавсиянома, халқаро конференцияларда 5 та ва республика конференцияларида 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш

тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Салатбоп ва баргли шолғомнинг келиб чиқиши, навларини ўрганиш, етиштириш ва уруғчилигига оид илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритилган. Шолғомнинг ботаник келиб чиқиши, классификацияси, дунёда ва республикада яратилган янги навлари, экиш муддатларининг ўсимлик ривожига ўрни, унинг ташқи муҳит шароитига талабчанлиги ёритилган. Таҳлилнинг сўнгги саҳифасида мавзуга оид дунёда ва республикада бажарилаётган ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида хулосалар келтирилган. Мавжуд маълумотларга таяниб, диссертация олдига қўйилган мақсад ва вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити, услуби ва объекти**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари ва олиб борилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Салатбоп шолғом нав намуналарини қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганиш, истиқболли манбаларни танлаш ва етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида салатбоп шолғомнинг нав намуналарини ҳар томонлама ўрганиш ва истиқболли навларини танлов синови ва етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш натижаси келтирилган.

Учинчи бобнинг “Салатбоп шолғом нав намуналарини танлаш” бўлимида муҳим хўжалик белгилари бўйича ўрганиш натижалари келтирилган. Нав намуналарининг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати жиҳатидан ҳар хил эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Энг юқори ҳосилдорлик Л-56К навида кузатилган ва уч йиллик ўртача умумий ҳосилдорлик 33,8 т/га ни ташкил этган. Бу қиёсий Муяссар навиға нисбатан 12,8 % кўп демақдир.

Қолган Л-102РС, ТВ00324, Л-210РГ, Л-244РЮ нав намуналарида умумий ҳосилдорлик 23,0-27,3 т/га ни ташкил этган. Бу қиёсий навға нисбатан 9,5-23,2 фоизга кам демақдир.

Ҳосилнинг товарбоплиги ўрганилаётган барча навларда юқори бўлган ва 96-97 % ини ташкил этди.

Илдизмеванинг ўртача вазни навлар ўртасида турлича бўлиб, қиёсий навда 116 г ни ташкил этди. Л-56К навида илдизмеванинг ўртача вазни 127 г ни ташкил этди. Бу қиёсий навға нисбатан 9,5% га кўп демақдир.

Ушбу бобнинг “Салатбоп шолғом истиқболли навларининг танлов синови” бўлимида салатбоп шолғомнинг нав намуналарини ҳар томонлама ўрганиш натижасида Жанубий Кореядан келтирилган Л-56К навидан яқка танлаш ва авлодини ўрганиш асосида Л-2 линияси ажратиб олинганлиги ва унинг танлов синови ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Бу линия 6 йил давомида экилиб, яқка танлаш ва авлодини ўрганиш ишлари олиб борилди. Натижада салатбоп шолғомнинг серҳосил, эртапишар, илдизмеваси ширин, совуққа чидамли, ҳамда сақланувчанлиги яхши янги нави яратилди. Салатбоп шолғомнинг Л-2 линияси Гулшод номи билан 2014-2016

йилларда танлов синовидан ўтказилди.


Танлов синовида Гулшод навининг ҳосилдорлиги қиёсий навга нисбатан бироз юқори бўлиб, умумий ҳосилдорлиги 34,1 т/га ни ташкил этди. Бу қиёсий навга нисбатан 4,5 т/га ёки 15,2 % кўп демакдир.

Товарбоп ҳосил ҳар иккала навда ҳам юқори бўлиб 96,3-96,7 фоизни ташкил этди. Илдизмева вазни бўйича ҳам навлар ўртасида фарқ кузатилди. Гулшод навининг илдизмева вазни 127 г ни ташкил этиб, қиёсий навга нисбатан 9,5 % кўп бўлганлиги кузатилди. Дегустацион баҳоси қиёсий навда 4,0 балл, Гулшод навида эса 4,5 баллни ташкил этди. Илдизмеваларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг сақлашга яроқлилигидир. Гулшод нави сақланувчанлик жиҳати ҳам яхши эканлиги билан ажралиб чиқди. Муяссар навининг илдизмеваларини янгилигича истеъмол мақсадга мувофиқдир.

Учинчи бобнинг “Салатбоп шолғомни баҳорда вақтинчалик плёнка остига экиш муддатлари” бўлимида баҳорда оддий ва салатбоп шолғом уруғлари шаффоф плёнка остига турли муддатларда экиш бўйича тадқиқотлар натижаси келтирилган. Баҳорда оддий ва салатбоп шолғом уруғлари қуйидаги муддатларда экилди: 01.02; 10.02; 20.02; 02.03; 10.03; 20.03.

Вақтинчалик плёнка остида етиштирилган шолғомнинг Наманганская местная навида энг юқори умумий ва товарбоп ҳосилдорлик иккинчи ва учинчи муддатларда кузатилди ва у 26,3-28,2 т/га ни ташкил этди.

Бу биринчи муддатга нисбатан мувофиқ равишда 110,1 % ва 118,0 % ни ташкил этди. Ҳосилдорлик биринчи, тўртинчи муддатларда бироз, бешинчи, олтинчи муддатларда эса кескин камайди. Олтинчи муддатда ҳосилдорлик 5,9 т/га бўлиб, энг юқори ҳосилдорлик кузатилган учинчи муддатга нисбатан 20,9 % ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Баҳорги муддатларда вақтинчалик плёнка остида экилган салатбоп ва оддий шолғомнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, 2011-2013й.й.

Салатбоп шолғомнинг Муяссар навида ҳосилдорлик биринчи беш муддатда деярли бир хил бўлди ва 29,5-32,5 т/га ни ташкил этди. Фақатгина олтинчи муддатда ҳосилдорлик 21,3 т/га бўлиб, бу учинчи муддатга нисбатан 65,5% ни ташкил этади.

Ҳамма муддатларда ҳам Муяссар навининг ҳосилдорлиги юқори бўлиб, назорат Наманганская местная навига нисбатан 15,3-26,1 % га кўп бўлди. Муяссар навида ҳосилнинг товарбоплиги ҳам анча юқори бўлиб, 94,3-97,6% ни ташкил этди. Наманганская местная навида эса бу кўрсаткичлар 83,7-91,2% ни ташкил этди.

Учинчи бобнинг “Салатбоп шолғомни баҳорги очик майдонларда экиш муддатлари” бўлимида салатбоп шолғомнинг Муяссар ва оддий шолғомнинг Наманганская местная навларини баҳорда очик майдонларда қуйидаги олти муддатда экиш: 01.02; 10.02; 20.02; 02.03; 10.03; 20.03 ва ўрганиш натижалари келтирилган.


Баҳорги биринчи муддатда (01.02) очик далаларга экилган уруғлар униб чиқмади. Ҳаво ҳароратининг жуда паст ва тупроқ намлигининг ҳаддан ташқари юқори бўлиши уруғларнинг униб чиқишига салбий таъсир кўрсатди.

Уруғларни бевосита очик далаларга баҳорги муддатларда сепиб шолғом етиштирилганда ҳар иккала навда ҳам ҳосилдорлик иккинчи муддатдан олтинчи муддатга қараб камайиб борди (2-расм).

Наманганская местная нави ҳосилдорлиги иккинчи муддатда 26,3 т/га ни ташкил этди ва олтинчи муддатда эса 6,5 т/га ни ташкил этиб, иккинчи муддатга нисбатан 19,8 т/га кам ҳосил олинди.

Муяссар навида ҳосилдорлик иккинчи муддатда 30 т/га ни ташкил этди. Олтинчи муддатда эса ҳосилдорлик 18,3 т/га ни ташкил этиб, иккинчи муддатга нисбатан 11,7 т/га кам бўлди.

Баҳорги иккинчи ва учинчи муддатларда энг юқори ҳосилдорлик Муяссар навида кузатилди ва у муддатларга мувофиқ равишда 30,0; 28,9 т/га ни ташкил этди. Бу эса Наманганская местная навига нисбатан мувофиқ равишда 14,0; 16,0 % га юқори демакдир.



2-расм. Баҳорги муддатларда очик майдонларга экилган салатбоп шолғомнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, 2011-2013 й.й.

Диссертациянинг “Салатбоп шолғомни ёзги экиш муддатлари” бўлимида салатбоп шолғомнинг Муяссар ва оддий шолғомнинг Наманганская местная нави уруғларини қуйидаги тўрт муддатда экиш: 01.08; 10.08; 20.08; 30.08 ва ўрганиш натижалари баён этилган.

Ҳар иккала навда ҳам умумий ва товарбоп ҳосилдорлик биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб камайиб борди.


Наманганская местная навда биринчи муддатда умумий ҳосилдорлик 28,8 т/га ни ташкил этди ва у иккинчи муддатда 1,9 т/га, учинчи муддатда 3,8 т/га, тўртинчи муддатда 9 т/га камайди.

Муяссар навда ҳам энг юқори ҳосилдорлик биринчи муддатда кузатилди ва у 37,9 т/га ни ташкил этди. Муяссар навда ҳам ҳосилдорлик биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб камайиб борди. Ҳосилдорлик биринчи муддатга нисбатан иккинчи муддатда 5,8 т/га, учинчи муддатда 8,2 т/га, тўртинчи муддатда 13,4 т/га кам бўлди.

Учинчи бобнинг “Салатбоп шолғомни мақбул экиш схемасини аниқлаш” бўлимида салатбоп шолғом ўсимлигини экиш схемасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижаси келтирилган. Бунинг учун салатбоп шолғомни қуйидаги 5 та экиш схемаси ўрганилди: сочма (абс,назорат), 70x10 см (назорат), 70x15 см, лентасимон икки қаторли(50+20)x10 см, лентасимон уч қаторли (15+15+40)x12 см.

Экиш схемаси салатбоп шолғомнинг ҳосилдорлигига сезиларли даражада таъсир этди.

Назорат вариантыда ёки 70x10 см экиш схемасида ўртача ҳосилдорлик 23,4 т/га ни ташкил этди. Озиқланиш майдони кенгайган сари ҳосилдорлик пасайиб борди. Хусусан, 70x15 см схемада ҳосилдорлик 21,0 т/га ни ёки назоратга нисбатан 89,8 % ни ташкил этди. Назоратга нисбатан эса бу мувофиқ равишда 2,4 т/га ва 10,2 % кам бўлди, 3-расм.



3-расм. Турли экиш схемаларини салатбоп шолғом ҳосилдорлигига ва илдизмевасини ўртача вазнига таъсири, 2013-2015 йй.

Озиқланиш майдонининг қисқариши эса, аксинча ҳосилдорликни ошишига олиб келди. Лентасимон икки қаторли (50+20)х10 см схемада экилганда ҳосилдорлик 42,5 т/га ни, лентасимон уч қаторли қилиб (40+15+15)х12 см схемада экилганда эса 56,1 т/га ни ташкил этди.

Бу назорат вариантга нисбатан мувофиқ равишда 81,6 ва 139,7% га кўп демакдир.

Худди шундай ҳолат товарбop ҳосилдорликда ҳам кузатилди.

Тажриба вариантга қараб товарбop ҳосил умумий ҳосилнинг 97,0-98,9 % ини ташкил этди. 5% даражадаги тажрибанинг энг кичик муҳимлик тафовути (ЭКТФ₀₅) 3,59 т/га ни ташкил этди. Тажриба аниқлиги эса (Sx,%) 0,75 % ни ташкил этди. Дастлабки маълумотлар шуни кўрсатдики экиш схемаси ҳосилнинг товарбopлигига сезиларли даражада таъсир этмайди.

Экиш схемаси илдизмева вазнига сезиларли даражада таъсир этади. Озиқланиш майдони кенгайиб борган сари илдизмева вазни ҳам ошиб боради.

Назорат вариантда 70х10 см экиш схемасида илдизмева вазни 113,0 г ни ташкил этган бўлса 70х15 см схемада бу кўрсаткич 145,0 г га тенг бўлди.

Учинчи бopнинг “Салатбop шолғом ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири” деб номланган бўлимида минерал ўғитларнинг салатбop шолғом ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижаси келтирилган. Тадқиқотлар минерал ўғитлар меъёри кўпайиши ҳосилдорликни ошишига олиб келишини кўрсатди, 1-жадвал.

Назорат вариантда умумий ҳосилдорлик 39,2 т/га ни ташкил этди. Минерал ўғитлар сарфи 25 % га кўпайган 2-вариантда умумий ҳосилдорлик 41,1 т/га ни ташкил этди.

1-жадвал

Минерал ўғитларни салатбop шолғомни ҳосилдорлигига таъсири, 2015-2017 й.й.

Вариантлар	Минерал ўғитлар микдори	Умумий ҳосилдорлик, т/га				Назорат нисбатан, %	Товар бopлиги, т/га	Товарбopлиги, %	Илдизмеваининг ўртача вазни, г	Илдизмеваининг ўртача вазни, %
		2015 йил	2016 йил	2017 йил	ўртача					
1	ўғитсиз	36,3	37,5	34,1	36,0	91,8	35,9	99,7	111,4	90,9
2	N ₁₂₅ P _{93,7} K _{62,5}	41,5	42,7	39,2	41,1	109,1	41,0	99,7	124,7	108,1
3	N ₁₀₀ P ₇₅ K ₅₀ (назорат)	39,3	40,1	38,1	39,2	100,0	39,1	99,7	122,6	100,0
4	N ₇₅ P _{56,2} K _{37,5}	38,0	38,9	36,2	37,7	96,2	37,6	99,7	115,4	94,1
	ЭКТФ ₀₅ т/га	0,56	0,55	0,57	0,58					
	Sx, %	0,13	0,12	0,13	0,13					

Назорат вариантга нисбатан эса бу мувофиқ равишда 1,9 т/га ёки 9,1 % га кўп, демакдир. Аксинча, минерал ўғитлар меъёри камайган сари умумий ҳосилдорлик бироз кам бўлди. Бунда 4 чи вариантда минерал ўғитлар 25% га камайтирилганда умумий ҳосилдорлик 37,7 т/га ни ёки назоратга вариантга

нисбатан 1,5 т/га ёки 3,8 % га кам бўлганлиги кузатилди. Ўғитсиз вариантида умумий ҳосилдорлик 36,0 т/га ни ташкил этди. Бу назорат вариантга нисбатан 3,2 т/га ёки 8,2 % га кам бўлди.

Учинчи бобнинг “Салатбоп шолғомни мақбул суғориш тартиботини аниқлаш” бўлимида салатбоп шолғомни турли суғориш меъёрларида ҳосилдорлиги ва сув сарфи бўйича маълумотлар келтирилган. Олиб борилган тажрибаларда назорат вариантда, яъни намлик ЧДНС га нисбатан 60-60% бўлганда вегетация даврида шолғом 5 марта суғорилди, ҳамда гектарига сув сарфи 1991 м³/га ни ташкил этди. Бу ҳақда маълумот 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Салатбоп шолғомни Муяссар навининг суғориш тартиботи кўрсаткичлари 2015-2017 й.й.

Вариантлар	Суғориш тартиботи, ЧДНС, %	Суғориш сони		Суғориш меъёри, м ³ /га		Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	Назоратга нисбатан сарф қилинган сув, %
		I фаза	II фаза	I фаза	II фаза		
1	60-60, назорат	2	3	283	475	1991	100,0
2	60-70	2	4	283	355	1986	99,7
3	70-80	3	4	211	238	1585	79,6
4	80-90	3	5	138	117	999	50,2

Салатбоп шолғомни суғориш меъёри 2 та фазага бўлиб ўрганилди. Бунда 1 чи фаза экилган уруғларни ердан тўлиқ униб чиқиши даврига, 2 чи фаза уруғлар ердан тўлиқ униб чиққандан вегетация даврининг охиригача бўлган даврни ўз ичига олди. Бунда 1 чи фазада 0-20 см тупроқ қатлами намланди, суғориш меъёри 283 м³/га ни, ҳамда 2 чи фазада 0-30 см тупроқ намланди, суғориш меъёри 475 м³/га ни ташкил этди.

Намлик ЧДНС га нисбатан 60-70% бўлган иккинчи вариантда вегетация даврида 6 марта суғорилди ва гектарига сув сарфи 1986 м³/га ни ташкил этди. Намлик ЧДНС га нисбатан 60-60% бўлган назорат вариантга нисбатан 1 марта сув кўп сарф қилинди. Намлик ЧДНС га нисбатан 70-80% бўлган учинчи вариантда 7 марта суғорилди. Гектарига сув сарфи 1585 м³/га ни ташкил этди. Бу назорат вариантга нисбатан суғориш сони 2 марта кўп ёки 20,4 % сув кам сарф қилинди. Намлик ЧДНС га нисбатан 80-90% тўртинчи вариантда эса вегетация даври давомида 8 марта суғорилди ҳамда гектарига сув сарфи 999 м³/га ни ташкил этди. Бу назорат вариантга нисбатан 3 марта кўп суғорилди ёки 49,8 % га сув тежалди.

Салатбоп шолғомни мақбул суғориш вариантлари намлик ЧДНС га нисбатан 70-80% ҳамда 80-90% эканлиги аниқланди. Бундай суғориш меъёрлари ҳосилдорликни 40,4-41,7 т/га етказиш имконини беради. Бу назорат вариантга нисбатан 6,9 ва 10,3 % га кўп демакдир. Намлик ЧДНС га нисбатан 70-80% ва 80-90% вариантларда рентабеллик даражаси ҳам юқори бўлди. Тажрибанинг учинчи вариантида илдизмева вазни 117,0 г ни, тўртинчи

вариантида эса 118,7 г ни ташкил этди ва бу назорат вариантга нисбатан 4,4-6,1 г ёки 3,9-5,4 % га кўп демакдир. Ушбу вариантларда назорат вариантга нисбатан сув сарфи ҳам 20,4 - 49,8 % га кам бўлди.

Диссертациянинг «**Барг шолғом нав намуналарини ўрганиш, истиқболли навларнинг танлов синовини ташкил этиш ва етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида барг шолғомнинг нав намуналарини ҳар томонлама ўрганиш ва истиқболли навларини танлов синови, экиш муддатлари, мақбул экиш схемаси, ҳосилдорлигига минерал ўғитларни таъсири, мақбул суғориш тартиботи, тажрибаларни иқтисодий самарадорлиғни кўрсаткичлари аниқлаш бўйича тажрибалар натижаси келтирилган.

Тўртинчи бобнинг “Барг шолғом нав намуналари тўпламини ўрганиш” бўлимида барг шолғом Ўзбекистон учун янги, ноанъанавий экин тури бўлганлиги ҳамда бу экинни республикада экишга рухсат этилган навлари бўлмаганлиги сабабли нав намуналари бир-бири билан ўзаро таққослаб ўрганилиши бўйича тажрибалар натижалари келтирилган. Барг шолғом ўсимлиги оддий шолғом билан бир оилага мансуб экин бўлганлиги сабабли уни экиш учун тавсия этилган мақбул муддат танлаб олинди ва барг шолғом нав намуналарини ўрганиш учун уруғлар 10 августда экилди.

Синовдаги навлар ҳосилдорлиги 16,8-21,3 т/га атрофида бўлди.

Л-263РСА ва Л-351РБ навларида умумий ҳосилдорлик ўртача 16,8-18,2 т/га ни ташкил этди.

Ҳосилнинг товарбоплиги анча юқори бўлиб, у 98,2-98,4% ни ташкил этди. Энг юқори ҳосилдорлик Л-356РСР навида кузатилди ва умумий ҳосилдорлик ўртача 21,3 т/га ни, товарбоп ҳосилдорлик 21,2 т/га ни ёки умумий ҳосилнинг 99,5 % ни ташкил этди. Бу эса Л-263РСА ва Л-351РБ навларига нисбатан 4,5-3,1 т/га ёки 26,7-17,0 % кўп демакдир. Ҳосилнинг товарбоплиги ҳамма навларда ҳам юқори бўлди ва 98,2-99,5% ни ташкил этди.

Ушбу бобнинг «Барг шолғом истиқболли навларининг танлов синови» бўлимида Барг шолғом нав намуналарини ҳар томонлама ўрганиш натижасида Россия Федерациясидан келтирилган Л-356РСР навидан яқка танлаш ва авлодини ўрганиш асосида Л-1 линияси ажратиб олинди ва у Дармон номи билан танлов синовидан ўтказилди. Синовдаги нав умумий ҳосилдорлиги ўртача 3 йилда 21,3 т/га ни, товарбоп ҳосилдорлик 21,2 т/га ни ёки умумий ҳосилнинг 99,5 % ини ташкил этди, 3-жадвал.

Тадқиқотлар кўрсатишича ушбу нав уруғлари ёппасига униб чиққандан техник пишишигача, ёки истеъмол учун яроқли барглар ҳосил бўлишигача 26 кун талаб этилади. Дармон нави баргининг узунлиги 23 см, эни 10,3 см бўлиб, баргнинг битта ўсимликдаги сони 10,3 донани ташкил этди.

Тадқиқотлар барг шолғомни етиштиришда рентабеллик даражаси 30,8 % эканлигини кўрсатди. Ҳар бир гектар ердан олинадиган соф фойда эса 1505 минг сўмни ташкил этди.

Ушбу бобнинг “Барг шолғомни вақтинчалик плёнка остига экиш муддатлари” бўлимида баҳорда 6 муддатда барг шолғомни плёнка остига экиш бўйича тадқиқотлар натижаси баён этилган.

**Барг шолғомнинг Дармон навининг танлов синовидаги ҳосилдорлиги,
2014-2016 й.й.**

Т/р	Нав номи	Умумий ҳосилдорлик, т/га				Товарболлиги, т/га	Товарболлиги, %	Битта ўсимликнинг ўртача вазни, г
		2014 йил	2015 йил	2016 йил	ўртача			
1	Дармон	20,9	21,2	21,8	21,3	21,2	99,5	0,83

Дармон навидан эртаги маҳсулот етиштириш ҳамда ундан юқори ҳосил олиш учун уруғи эрта баҳорда қуйидаги муддатларда: 01.02; 10.02; 20.02; 02.03; 10.03; 20.03 да вақтинчалик плёнка остига экилди. Биринчи муддат (01.02) назорат сифатида олинди.

Баҳорги вақтинчалик плёнка остига экилган барг шолғом ҳосилдорлиги назорат вариантда, биринчи февралда экилганда 14,6 т/га ни ташкил этди. Ҳосилдорлик биринчи муддатдан учинчи муддатга қараб ошиб борди. Бунда учинчи муддатда, яъни 20 февралда экилган барг шолғомнинг умумий ҳосилдорлиги 15,6 т/га ташкил этди. Бу назорат муддатдагига нисбатан 1,0 т/га ёки 6,8 фоизга кўп демакдир. Лекин, тўртинчи муддатдан олтинчи муддатга қараб умумий ҳосилдорлик пасайиб борганлиги кузатилди. Бунда ҳосилдорлик назоратга нисбатан тўртинчи муддатда 94,7 % ни, бешинчи муддатда – 91,1 % ни, олтинчи муддатда эса 86,8 % ни ташкил этди. Ҳосилнинг товарболлиги ҳамма муддатларда ҳам юқори бўлиб, умумий ҳосилнинг 99,0-99,5% ини ташкил этди. Тадқиқотлар барг шолғомни баҳорда вақтинчалик пленка остига экишнинг энг мақбул муддати 20 феврал эканлигини кўрсатди.

Тўртинчи бобнинг “Барг шолғомни баҳорда очик майдонларда экиш муддатлари” бўлимида барг шолғом Дармон навининг уруғлари эрта баҳорда қуйидаги олти муддатда: 01.02; 10.02; 20.02; 02.03; 10.03; 20.03 экиш ва ўрганиш натижалари келтирилган.

Баҳорги биринчи муддатда (01.02) очик далаларга экилган уруғлар униб чиқмади. Баҳорда барг шолғом ҳосилдорлиги экиш муддатларига қараб турлича бўлди. Бунда иккинчи муддатда (10-февралда) экилган барг шолғом ҳосилдорлиги уч йилда ўртача 12,7 т/га ни ташкил этди, 4-жадвал.

Шунга яқин ҳосилдорлик (12,3 т/га) учинчи муддат ўсимликларида ҳам кузатилди. Бу баҳорги муддатларда олинган энг юқори ҳосилдорликдир.

Умумий ҳосилдорликни иккинчи муддатдан олтинчи муддатга қараб камайиб бориши кузатилди. Умумий ҳосилдорлик иккинчи муддатга нисбатан тўртинчи ва бешинчи муддатда 93,2% ни, олтинчи муддатда эса 80,5% ни ташкил этди.

Битта ўсимликнинг вазни бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич иккинчи муддат ўсимликларида кузатилди ва у 49,1 г ни ташкил этди.

Битта ўсимлик вазни ҳам иккинчи муддатдан олтинчи муддатга қараб

камайиб борди ва олтинчи муддатда 38,2 г ни ёки иккинчи муддатга нисбатан 77,8% ни ташкил этди.

4-жадвал


Баҳорги муддатларда экилган барг шолғомнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, 2012-2014 й.й.

Экиш муддатлари	Умумий ҳосилдорлик, т/га				Иккинчи муддатга нисбатан, %	Товарбоп ҳосил, т/га	Товарбоплиги, %
	2012 йил	2013 йил	2014 йил	ўртача			
Дармон нави							
01.02	-	-	-	-	-	-	-
10.02(назорат)	12,3	13,1	12,6	12,7	100,0	12,6	99,5
20.02	12,1	12,5	12,3	12,3	97,1	12,2	99,2
02.03	11,4	11,9	12,1	11,8	93,2	11,7	99,2
10.03	11,2	12,1	12,1	11,8	93,2	11,7	99,2
20.03	10,1	10,1	10,4	10,2	80,5	10,1	99,0
ЭКТФ ₀₅ т/га	0,28	0,32	0,29	0,48			
Sx, %	1,13	1,17	1,38	1,14			

Маълумки, барг шолғомнинг ўсиб ривожланиши учун энг мақбул ҳарорат +15⁰...+18⁰ ҳисобланади. Аммо, экиш муддатлари кечиккан сари ҳаво ҳароратининг ошиб бориши (+35...+40⁰С) барг шолғом ўсимлигининг ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ушбу экиннинг ҳосилдорлиги кечки муддатларда сезиларли даражада пасайди.

Тўртинчи бобнинг “Барг шолғомни ёзги экиш муддатлари” бўлимида ушбу янги сабзаёт экинини такрорий экин сифатида қуйидаги тўрт муддатда: 01.08; 10.08; 20.08; 30.08 экиш ва ўрганиш натижалари келтирилган.

